

ДУНЁДА ГЕНДЕР АССИМЕТРИЯСИНИНГ ТАРИХИЙ МАНЗАРАСИ

Нилуфар Махсудовна Кошанова

Чирчиқ давлат педагогика университети в,в,б, доцент.,PhD

Назокат Шухратжон қизи Исмоилова

Чирчиқ давлат педагогика университети 4-босқич талабаси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақоламизда дунёда гендер ассиметриясининг умумий ҳолати, дунёнинг барқарор ривожланишида гендер тенгсизликга қарши курашнинг аҳамияти ва бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: гендер ассиметрияси, барқарор ривожланиш, демократия, репродуктив саломатлик, иқтисодий фаоллик, аёлларнинг "табiiй тақдири" гендер тенгсизлик индекси, бандлик, техник кўникмалар, "барқарор тафовутлар", инсон капитали.

ABSTRACT

This article analyzes the general state of gender asymmetry in the world, the importance of fighting gender inequality in the sustainable development of the world, and the work being done in Uzbekistan in this regard.

Keywords: Gender asymmetry, sustainable development, democracy, reproductive health, economic activity, "natural destiny" of women, gender inequality index, employment, technical skills, "sustainable gaps", human capital.

КИРИШ

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, минг йиллар давомида аёлларнинг камситилганлиги, уларнинг жамият ҳаётидаги фаолияти чекланганлиги, сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилинганлиги гувоҳ бўламиз. Аёллар фабрика ва корхоналарда эркаклар билан бирдек фаолият кўрсатсаларда, аёл жинсига мансублиги сабаб иш ҳақи кам тўланган. Марказий Осий аёллари асосан фарзанд тарбияси, оила хўжалигини юритиш ишлари билан чекланган. Аёл ҳуқуқини тиклашга бўлган халқаро миқёсда эътибор XX асрда бир қанча халқаро ҳужжатларнинг қабул қилиниши билан бевосита боғлиқ. Жумладан, БМТ нинг "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси", "Хотин-қизлар



ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида” ги Конвенциялари хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳалардаги ҳуқуқларини халқаро миқёсда кафолатлашда асосий мезон бўлиб хизмат қилди. Мамлакатимиз конституциясининг 46-моддасида хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги белгиланган [1]. Президентимиз Ш.Мирзиёев 2019 йилги Олий Мажлис Сенатидаги маърузасида *“...бузун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлиши керак” деб таъкидлаган эдилар.* Айти пайтда Ўзбекистонда гендер тенглиги масаласи давлат сиёсатининг муҳим жиҳатини ташкил қилади. БМТ нинг аёллар камситилишига қарши қатор ҳуқуқий ҳужжатлари ҳукуматимиз томонидан ратификация қилинган. БМТ эътирофига кўра айти пайтда хотин-қизларнинг жамиятда сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳаётдаги роли, иштироки кенгайиб, айниқса ўзбек аёлларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида иштироки кенгайиб бораётганлиги кенг ёритилган [2]. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашга кенг эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2019 йил сентябрда **“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар тўғрисида”**ги, **“Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги қонунларнинг қабул қилиниши фикримизнинг исботидир. Конституция ва халқаро стандартлардаги нормаларни амалга ошириш механизми сифатида 2021 йил 28 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг **“2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликга эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида”**ги қарори қабул қилинган бўлиб, стратегияда давлатимизнинг 2030 йилгача гендер тенгликга эришиши лозим бўлган мақсадли кўрсаткичлар белгиланган. Бу ислоҳатлар мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш сари ташланаётган муҳим қадамлардан ҳисобланади. Ҳозирги кунда республикада Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилган бўлиб, амалиётга босқичма босқич татбиқ этилмоқда. Шунга қарамасдан глобал миқёсда барча мамлакатларда рақамли гендер тафовути глобал муоммолар қаторида қолмоқда. Дунё тамаддунида гендер тенглигига эришиш долзарб вазифа сифатида қаралмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТАДАЛОГИСИ.

Маҳаллий тадқиқотчилардан **Г.Ўразалиева** гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш



масалалари бўйича, **О.Мусурмонова**[3] аёлларга давлат томонидан бериладиган эътибор ва ғамхўрлик масалалари, **Н.Маматов** Ўзбекистонда меҳнат муносабатларида аёлларнинг ҳақ-хуқуқлари, **Ж.Н.Абдурахмонова** гендер тенгсизликга қарши курашнинг тарихий босқичлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борган. МДХ олимларидан **Козлова С.В.** гендер тенгсизлик билан боғлиқ муоммолар ва унга қарши курашнинг ечимлари; **Гостенина В.И, Кейзик А.С, Банникова Л.М, Н. Боронина ва бошқалар** гендер тенгсизликни ўрганиш методикаси бўйича; хорижий олимлардан **Boettcher L., Araujo N.A.M., Nagler J., Mendes J.F.** ва бошқалар тизимли илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Тадқиқот ишимизда анализ, синтез, умумлаштириш, статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Дунёда энг нуфузли ташкилот ҳисобланган БМТ рақамли гендер тафовути барҳам топмагунча барқарор ривожланиш мақсадларига эришиб бўлмаслигини таъкидламоқда. БМТ бош котиби барқарор ривожланишнинг 3 та омилидан бири сифатида жинслар орасидаги фарқни камайтириш омилини ҳам кўрсатади[4]. **Гендер тенглик** - бу мамлакатнинг демократик тараққиёт даражасини кўрсатувчи индикаторлардан бири ҳисобланади. Шу боис, бугунги глобаллашув даврида жамиятда бу масалага устувор эътибор қаратмоқда. Гендер тенгсизликни камайтиришнинг аҳамияти қай даражада дунёда тамаддунида аҳамиятли эканлиги борасида жаҳон ташкилотлари таҳлилий ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, ХМТ таҳлилларига кўра агар ишчи кучи иштирокидаги гендер фарқ атига 25% га камайтирилса, дунёда ялпи ички маҳсулот 5 % га ўсиши мумкин. Давлат келажаги бевосита таълимга, фуқароларнинг касбий малакаси ва саломатлигига боғлиқ. Шу сабабли бугунги кунда инсон капиталига сармоя киритишга катта эътибор қаратилмоқда. Соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, аҳоли турмуш тарзи соҳалари нотекис ривожланган. Буни инсон капитали ривожланиши индекси (HDI инсон тараққиёти индекси) тасдиқлайди.Феминистик концепция асосчиси Жоан Воллак 1980 мазкур концепцияга асос солади. XX аср иккинчи ярмида фаол тадқиқот олиб борган олимлар **Э.Маккоби, К.Жаклин, А.Эрхард,С.Бемлар** эркак ва аёллар ўртасидаги 1600 дан ортиқ жинсий, психологик фарқларни таҳлил қилиб ижтимоий тенгсизлик учун фарқлар етарли эмас деб ҳисоблайди. Бу изланишлар натижасида“**барқарор тафовутлар**”ни йўқ қилинди ва гендер тенгсизликга қарши



фаол кураш бошланди. Тадқиқотчиларнинг кузатувлари мамлакатларнинг ривожланиши гендер тенгсизлиги кўрсаткичлари сезиларли даражада ўзгаришларга сабаб бўлишини аниқлади. Бугунги кунда ҳар бир мамлакат аёлларининг ҳолатини ҳарактерловчи бир неча кўрсаткичлар маълум. Шундан энг кенг тарқалган кўрсаткичлардан бири Гендер индексидир. **Гендер тенгсизлик индекси учта асосий кўрсаткич асосида ҳисобланади. Булар:**

- репродуктив саломатлик;
- имкониятлар ;
- иқтисодий фаоллик [5].

Гендер тенгсизлик индекси аслида аёлларнинг жинси туфайли кўрган йўқотишлар сонидир(аксессуарлар).

Гендер тенгсизликнинг иккинчи муҳим кўрсаткичи халқаро гендер фарқи (IMGR- ingliz тилидан The Global Gender Gap Index). **У тадқиқотчилар назарида IMGR тўртта асосий тоифага таянади:**

1. Иқтисодий иштирок ва иқтисодий имкониятлар.
2. Таълим.
3. Саломатлик ва умр кўриш давомийлиги.
4. Сиёсий имкониятлар.

Жаҳон Иқтисодий Форумида ҳар йили IMGR кўрсаткичлари эълон қилинади. GII дан фарқли ўлароқ IMGR баллари юқори имкониятларни кўрсатади.

1-жадвал. Гендер тенгсизлик даражасининг кўрсаткичларига инсон капиталининг таъсири таҳлили (2016 йил статистикаси) [6].

Мамлакат	Халқаро гендер тенглик индекси		Инсон капиталининг ривожланиш индекси	
	ўрин	кўрсаткич	ўрин	кўрсаткич
Исландия	1	0,8731	14	0,957
Финляндия	2	0,8421	2	1,406
Норвегия	3	0,8417	7	1,104
Швеция	4	0,8129	5	1,111
Филиппин	5	0,7832	66	-0,161
Россия	61	0,6983	51	0,010

Жадвалдаги кўрсаткичларни таҳлил қилишимиз натижасида давлатдаги инсон капитали, яъни инсон тараққиёти индекси қанчалик юқори бўлса эркак ва аёлларга шунча кўп ҳуқуқ ва эркинликлар берилишини кўришимиз мумкин.

Маълумот сифатида айтишимиз лозимки, жинсларни ажратиш индекси мамлакатларнинг ривожланиш даражаси билан бевосита боғлиқ. Жаҳон Иқтисодий Форумининг кейинги йиллардаги гендер тенгсизликнинг энг минимал даражасига эга мамлакатлар рўйхатида 1-ўринда Финляндия (0,845), иккинчи ўринда Норвегия(0,842) ,учинчи ўринда Швеция(0,815) [6]. Гендер тенгсизлик энг юқори мамлакатлар қаторида Яман (0,516), Покистон (0,556), Саудия Арабистони(0,583) кабилар кўрсатилган. Аёлларнинг аҳволи ёмон исломий мамлакатлар Покистон, Ироқ ва Сурия мамлакатлари бўлиб эркак ва аёллар ўртасидаги гендер фарқ 71,1 % ни ташкил қилади. Таълим жараёнидаги гендер ассиметриясини таҳлил қиладиган бўлсак, олий таълимда аёллар асосан ижтимоий соҳаларни танлаётганлиги ўрганилган(60 % дан ортиқ). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури (UNDP) ўз капиталининг ҳақиқий ҳолатини таҳлил қилиш учун “Гендер тенглиги индекси” (The Gender Equity Index) асосида баҳолайди. Бунда турли малакатлардаги аёлларнинг ҳақиқий аҳволи учта муҳим соҳада аниқланади:

- Репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш.
- Фуқаролик ҳуқуқлари ва имкониятлари.
- Меҳнат бозоридаги имкониятлар [6].

Европа Комиссияси ва Ташкилотнинг қўшма тадқиқотлари Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти(OECD) гендер тенгсизлик индекси олти та элементдан иборат: иш, пул, куч, билим, вақт ва соғлиқ.

Жаҳон иқтисодий форумининг ушбу мавзу бўйича дунё мамлакатлари аёлларини тўртта асосий мезон бўйича ўрганмоқда. Булар:

- иқтисодда иштирок этиш ва меҳнат бозоридаги мавқеи, шу жумладан иш ҳақи ва мартаба имкониятлари;
- таълимнинг мавжудлиги;
- умр кўриш давомийлиги ва чақалоқлар ўлими кўрсаткичи;
- сиёсатга аралаштириш.

Ушбу тадқиқотларга кўра 2009 йилдан бери Исландия гендер тенглик масаласида етакчи ўринни эгалламоқда. Ундан кейин Норвегия, Швеция, Финляндия бўлиб, кучли ўнликда шунингдек, Никарауга, Руанда, Намибия, Филиппин, Янги Зеландия ва Ирландия малакатлари ҳам ўрин эгаллаган.

Дунёда вазирлик лавозимларида 18 % , депутатлик лавозимларида 24 % аёллар фаолият кўрсатмоқда.

Шу ўринда **Гендер ассиметрияси** тушунчасини таҳлил қиладиган бўлсак, гендер ассиметрияси бу - ҳаётнинг турли соҳаларда иккала жинснинг ижтимоий ва маданий

ролларилинг, шунингдек, улар ҳақидаги ғояларнинг номутаносиблиги ҳисобланади. Россия олий таълимнинг гендер ассиметрияси билан боғлиқ муоммоларини таҳлил қилди. Таҳлил қилиш учун университетларнинг веб-сайтлари, Россиянинг расмий статистикаси, БМТ, Жаҳон иқтисодий форумида тақдим қилинган маълумотлардан фойдаланилди ва гендер фарқи, гендер тенглик бўйича долзарб статистик маълумотлар тақдим қилинди. Россияда 1999 йилги статистик маълумотларга кўра аҳолининг 53% и аёллар бўлиб, Давлат Думасининг атига 7% ини аёллар ташкил қилган. Тарихга бироз назар ташлайдиган бўлсак, собиқ СССР даврида халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида аёллар эркаклар билан тенг меҳнат қилган, аммо хусусиятлаштириш натижасида йирик тадбиркорлар орасида уларнинг улуши атига 3% ни ташкил қилган. Бугунги кунда олий маълумотли аёллар салмоғи Россияда 56% ни ташкил қилсада, уларнинг умумий даромади эркаклар даромадининг 40% дан ошиқроғини ташкил қилади. Россия мамлакатаида олий таълим тизимида аёллар устунлик қилади. Таҳлиллар Россияда гендер тенгсизлик сўнгги 10 йил ичида камайганлигини кўрсатади. Россия олий таълимидаги гендер ассимляциясини таҳлили бошқарув соҳасида эркакларнинг устунлиги билан белгиланади. Шу жумладан, бошқа соҳалар масалан, санъат ва маданиятда ҳам мавжуд. Аммо бошқарувда эркаклар устуворлик қилади. Жумладан Россияда эркак ректорлар 84%, аёл ректорлар 16% ни ташкил қилади. Декан, кафедра мудири лавозимларини ҳам асосан эркаклар эгаллаган бўлиб, аёллар асосан қўйи лавозимларни кўпроқ банд қилган. БМТ таҳлилий статистик маълумотларига кўра гендер тенглиги масаласида Ўзбекистоннинг ютуқлари сифатида, мамлакат 99,6%и саводхонликга эгаллиги гендер жиҳатдан сезиларли бўшлиқга эга эмаслиги кўрсатилган [8]. Аммо БМТ таҳлилларига кўра олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот лавозимларда аёллар улуши камайиб бормоқда. Жамиятдаги гендер роллари тўғрисида чуқур сингиб кетган стереотиплар туфайли ўқув дастурларини танлашда гендер ассиметрияси мавжуд. Мамлакатимизда олий таълим тизимида сиртки таълим дастурларининг жорий қилиниши аёлларнинг олий таълимдаги салмоғининг ортиши жамиятда аёлларнинг иш қобилиятини ошириши асосида бандлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Аммо кўплаб тўсиқлар аёлларнинг меҳнат бозоридаги тўлиқ иштирокини чеклайди. Жумладан, аёлларнинг техник кўникмаларининг етишмаслигини бунга мисол қилиш мумкун. Бундан ташқари аёллар кўпинча ижтимоий соҳаларда меҳнат фаолияти билан банд бўлиб, уларнинг иш ҳақи эркак расмий секторидаги иш ҳақидан 50-60 % га камроқ. Бир қатор муаллифларнинг



таъкидлашича, рақамли иқтисодиёт шароитида StTEAM аталувчи касблар, жумладан, фан, технология, муҳандислик ва математика жадал ривожланмоқда. Масалан эркаслар учун деб ҳисобланувчи ахборот коммуникациялари технологиялари (АКТ) соҳасида аёлларнинг улуши 30% ни ташкил қилади. Гендер ассиметриясининг манбаи баъзан давлат тузилмалари бўлади, масалан, фундаменталистик мамлакатларда аёллар сайловларда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган, айрим ҳолларда - таълим олиш, жамоат ҳаётида иштирок этиш, уйдан ташқарида ишлаш ва бошқалар. Аммо кўпинча гендер ассиметриясининг манбаи яширин камситиш ва амалий ҳаракатлар дирижёрлари бўлган жамоат онгида ҳукмронлик қилувчи патриархал муносабатлардир. Шундай қилиб, неолиберал онг аёлларнинг ҳокимиятдаги паст вакилликни аёлларнинг "табiiй тақдири" ёки уларнинг сиёсатга киришни истамаслиги билан изоҳлашга интилади. Гендер ассиметрияси давлатлар ва дунёда беқарорлик манбаи бўлиб, буни экспертлар, жумладан, БМТ экспертлари томонидан ҳам исботланган. Ҳозирги вақтда халқаро агентликлар ва ташкилотлар ҳаётнинг барча соҳаларида гендер носимметрикликни бартараф этиш бўйича кенг кўламли дастурларни ишлаб чиқмоқда. Жаҳон банки ҳисоботида сўнгги 10 йилликда гендер тенгсизликни камайтиришга қаратилган ҳуқуқий воситалар таҳлил қилиниб, бунга кўра 131 та мамлакатда 274 та қонунчилик ислоҳати амалга оширилган. Натижада аёлларнинг жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги ҳуқуқ ва эркинликлари кенгайтирилган.

ХУЛОСА

Гендер тенгсизлик масаласи асрлар давомида кишилик жамиятининг муоммоси сифатида мавжуд бўлиб келмоқда. Дунёнинг барқарор ривожланишига жинслар тенгсизлиги, аёллар ҳақ-ҳуқуқларининг чекланганлиги, уларнинг ўз орзу-умидлари жинс цензи туфайли амалга ошмаётганлиги, жамиятда ўзининг муносиб ўрнига, ўз сўзига эга бўла олмаётганлиги сабаб бўлмоқда. Миллат тарбиячиси бўлган аёл жинсининг таълим олишига йўл бермаётган айрим мамлакатлардаги мутаассиб ҳукумат вакиллари келажак авлод ривожланишига тўсиқ бўлаётганлигини ачинарли ҳолат. Дунёда жинсий камситиш давом этар экан барқарор ривожланиш имконияти пасайиб бораверади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси конституциси. Т.: Ўзбекистон, 2021.-Б.46.



2. Н.Маматов. Гендер тенглик. Болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга қарши кураш бўйича халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари ва миллий қонунчилик. Intellect management» консалтинг компанияси Тошкент 2018.С.6.(78)
3. Мусурмонова О. Аёлларга давлат ғамхўрлиги /Аёлга эҳтиром. Т.: Ўзбекистон. 1999. –147 б
4. Birlashgan millatlar tashkiloti yangilangan umumiy mamlakat tahlili: O‘zbekiston. BMTning mamlakatdagi jamoasi toshkent, O‘zbekiston. Mart, 2021 yil.-С.41.(119) https://www.ilo.org/global/about-the-ilo/multimedia/maps-and-charts/enhanced/WCMS_556526/lang--en/index.htm
5. Проект повышения конкурентоспособности ведущих российских университетов среди ведущих мировых научно-образовательных центров (Проект 5-100) [Электронный ресурс] URL: <http://5top100.ru/universities/> [28.02.2017]
6. Индекс гендерного разрыва по версии Всемирного экономического форума. Гуманитарная энциклопедия [Электронный ресурс] // Центр гуманитарных технологий, 2006–2016 (последняя редакция: 30.10.2016). URL: <http://gtmarket.ru/ratings/global-gender-gapindex/info> [28.02.2017].
7. Индекс гендерного равенства по версии ПРООН.// Гуманитарная энциклопедия [Электронный ресурс] // Центр гуманитарных технологий, 2006–2019 // URL: <https://gtmarket.ru/ratings/gender-equity-index-un/info>
8. <https://resources.norrag.org/resource/576/education-sector-plansp-of-uzbekistan-2019-2023>

